



ЧИСЛО АБОНЕНТОВ
МОБИЛЬНОЙ СВЯЗИ
ПРИБЛИЗИЛОСЬ К
30 МЛН.

5-бет.



ТЕЛЕГРАМ
ПРЕМИУМ
ОБУНАСИ
ҚАНЧА?

6-бет.



ВАЗИРЛИКДАГИ
МУСОБАҚАГА
ЖАҲОН
ЧЕМПИОНИ
КЕЛДИ

7-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqqa boshlagan

Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSAN SEN.

23 (1549)-son
10-iyun
2022

@xabaruzofficial
facebook.com/xabar.uz/
@xabaruzofficial

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz

ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ЖОНИ ВА РУҲИ

Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича Республика маънавият ва маърифат кенгашининг видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Кенгаш раиси Шавкат Мирзиёев маънавиятга баҳо берар экан, заргарона ўхшатиш қилди: "Агар жамият ҳаётининг танаши иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир".

Республика маънавият ва маърифат кенгашининг мазкур йиғилиши, 2020 йил 26 мартдаги "Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори мамлакатимизда маънавият соҳасини янада ривожлантириш, ушбу йўналишни янги босқичга олиб чиқиш борасида муҳим қадамлардан бўлди, дейиш мумкин.

Шу ўринда бугунги кунда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида мухтасаргина маълумот бериб ўтсак.

Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ўртасида 2022 йил учун "йўл харитаси" ишлаб чиқилган ва фаолият ана шу асосида ташкил қилиб келинмоқда.

» 3

КОМПЬЮТЕР ЎЙИНЛАРИ ВА ДАРОМАД

(Ўйинларни сотишдан энг кўп
даромад олган очиқ турдаги
компаниялар, 2021 йил)

1. Tencent – \$32,2 млрд.
2. Sony – \$18,2 млрд.
3. Apple – \$15,3 млрд.
4. Microsoft – \$12,9 млрд.
5. Google – \$11,0 млрд.
6. NetEase – \$9,6 млрд.
7. Activision/Blizzard – \$8,1 млрд.
8. Nintendo – \$8,1 млрд.



Манба: Newzoo



ВАКИЛЛАРИМИЗ WTDC-22 АНЖУМАНИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА

Жорий йилнинг 6 июн куни Руанданинг Кигали шаҳрида Халқаро электралоқа иттифоқи (ХЭИ)нинг Бутунжаҳон электроалоқани ривожлантириш конференцияси (WTDC-22) ўз ишини бошлади.

» 2

Хориждаги ватандошлар

Германияда ўқиётган ўзбек қизи:

КўП ТИЛ БИЛГАН ДУНЁНИ ЗАБТ ЭТАДИ

» 4

Лойиҳамизнинг бу галги меҳмони Германиянинг Bremen университети магистранти Зубайда ТОШЕВА бўлди. Қаҳрамонимиз Бухоро вилоятида туғилган. Инглиз, рус, немис, турк, дарий ва тожик тилларида эркин гаплашади. Ҳозир испан тилини ўрганмоқда. У билан суҳбатимиз магистратура учун нега айнан Германияга кетгани, хорижий тилларни ўрганишда нималарга аҳамият бериш кераклиги, илмий иши ва шу каби бошқа мавзуларда кечди.

Совфага доим китоб олганмиз

Умуман олганда, бизнинг оиламизда университетда таълим олиш – бу анъана. Отам иккита олий таълим даргоҳини тугатган. Биз – тўрт фарзандни ҳам ўқитиб, барчамизни университетларда тахсил олишимиз учун болагимиздан шароит яратиб берган. Ҳаётда эришган ҳар бир ютуғим орқасида ота-онам ва уларни хурсанд қилиш истаги ётади.





Жумадан
жумагача

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Бразилиянинг шимоли-шарқий ҳудудларида юз берган кучли сув тошқинлари оқибатида қўлаб инсонлар қурбон бўлгани ва катта талафотлар кўрилгани муносабати билан мамлакат Президенти Жаир Мессияс Болсонаруга ҳамдардлик йўллади.

6 июн кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентини муҳим сиёсий тадбир – мамлакат Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича умуммиллий референдум муваффақиятли ўтказилгани билан самимий қутлади.

Президент Шавкат Мирзиёев 6 июн кuni Тошкент ерусти ҳалқа меҳнатининг иккинчи босқичи қурилишини бориб кўрди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 7 июн кuni хизматлар кўрсатишни ривожлантириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

8 июн кuni Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг биринчи ўринбосари Амина Муҳаммад билан учрашув ўтказди. Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти институт ва тузилмалари билан кенг қўламли ҳамкорлигини қабул қилинган “йўл харита”лари асосида янада ривожлантириш бўйича қўшма чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш юзасидан келишувга эришилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 8 июн кuni сув омборларини модернизация қилиш ҳамда Сурхондарё вилоятида ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳаларига оид тақдимот билан танишди. Давлатимиз раҳбари барча сув омборларини модернизация қилиш орқали хавфсизлигини ошириш, гидромеҳаник ускуналар ва ўлчов қўрилмаларини янгилаб, тизимни рақамлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентини имзолаган “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийларининг моддий таъминотини яхшилаш ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўлаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарор эълон қилинди.

ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИ ШЕРЗОД ШЕРМАТОВ ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИНИНГ ШАРҚИЙ ЕВРОПА, КАВКАЗ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ БОШҚАРУВ ВА СИЁСИЙ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ДИРЕКТОРИ ЎРИБОСАРИ ХЕСТЕР КУТАНШ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ.



Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда АКТ вазирлиги ҳамда Европа тараққиёт ва тикланиш банки билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда.

Учрашув давомида рақамли

иктисодиёт доирасида лойиҳаларни амалга ошириш, Ўзбекистонда кенг полосали алоқани кенгайтириш масалалари ҳам қўриб чиқилди.

Томонлар кенг ва ўзаро манфа-

атли ҳамкорликни йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжудлигини қайд этиб, уларни янада ривожлантириш учун саъй-ҳаракатларни сафарбар этишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Руандада ХЭИ конференцияси

ВАКИЛЛАРИМИЗ WTDC-22 АНЖУМАНИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА



Конференция очилиш маросимида БМТ Бош котиби Антониу Гутерреш, ХЭИ Бош котиби Хоулин Чжао, Руанда Республикаси Президенти Пол Кагаме ҳамда АКТ ва инновациялар вазири Паула Ингабире, ХЭИ телекоммуникацияларни ривожлантириш бюроси директори Дорин Богдан-Мартинлар нутқ сўзлади.

Мазкур конференцияда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги делегацияси ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, АКТ вазирлиги делегацияси аъзоларидан уч нафари – ХЭИга аъзо давлатлар делегациялари томонидан вазирликнинг Ташкилий назорат

бошқармаси бошлиғи М.Азимов Конференциянинг Ишлаш услулари бўйича 4-қўмита раиси ўринбосари лавозимига, Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи У.Мусаева Конференциянинг Вазифалар бўйича 3-қўмита раиси ўринбосари лавозимига ҳамда “UNICON.UZ” DUK директорининг биринчи ўринбосари Т.Машанпин Конференциянинг Бюджет назорати бўйича 2-қўмита раиси ўринбосари лавозимига сайланишди.

Ҳозирда мазкур қўмиталар фаолияти давом этиб, тегишли қарорлар қабул қилинмоқда.

Бутунжаҳон электроалоқани ривожлантириш конференцияси 16 июнгача давом этади.

“

Рақамли технологияларга кириш ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ бўлган бир пайтда, бизнинг навбатдаги WTDC 2020 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги мажбуриятларимизни бажариш учун рақамли шериклик салоҳиятимизни намоён қилишнинг ноёб имкониятидир. Partner2Connect ҳукумат, глобал технология сектори ва бошқа ташкилотлар раҳбарларини ҳатто уланиш энг қийин бўлган жамиятлар учун ҳам рақамли технологияларга киришни таъминлаш учун сафарбар қилади, шунда рақамли имкониятлар ҳақида гап кетганда ҳеч ким оғирда қолмайди”.

Дорин Богдан-Мартин,
ХЭИ телекоммуникацияларни
ривожлантириш бюроси директори.



Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 92-қарори ижроси юзасидан Тошкент шаҳар, Сергели туманидаги тўртта сектор (ҳокимлик, прокуратура, ИИБ ва солиқ)да ўрганиш ўтказилди.

ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛДИ



Ўрганиш жараёнида АКТ вазири ўринбосари Д.Рустамов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Сергели тумани маҳаллаларига бириктирилган ёшлар етакчиларининг иш шароитлари, амалга оширилаётган ишлари, “Ёшлар дафтари”га киритилганларга кўрсатилаётган моддий ва маънавий ёрдам ва келгусида амалга оширилиши белгиланган вазифалар кўриб чиқилди. Ўрганишлар натижалари бўйича 2022 йил 4 июн кuni Сергели тумани ҳокимлиги биносидан Д.Рустамов раислигида ҳоким ўринбосари, Ёшлар ишлари агентлиги вакили ҳамда тумандаги 579та маҳалланинг ёшлар етакчилари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда ёшлар етакчиларининг иш фаолияти, амалга оширган ишлари ва йил кўйилган камчиликлар муҳокама қилиниб, келгусида шу

каби камчиликларнинг олдини олиш, тегишли ҳужжатларни тўғри расмийлаштиришга аҳамият бериш ва масъулиятни оширган ҳолда ишга бўлган муносабатларини ўзгартиришлари юзасидан тавсиялар берилди. Йиғилиш якунида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси, IT-Парк ҳамда “ESPORTS UZBEKISTAN” Киберспорт федерацияси вакиллари томонидан давлатимиз раҳбарининг бешта муҳим ташаббусининг учинчиси, яъни аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш доирасида туманда ўтказилган киберспорт мусобақаларига амалий ёрдам кўрсатишга тайёр эканликлари билдириб ўтилди.

Маънавий тикланиш

ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ЖОНИ ВА РУҲИ



Хусусан, вазирлик томонидан маънавий-маърифий, илмий-ижтимоий мавзулардаги долзарб мақолалар, жамоатчилик вакиллариининг илгор фикрлари, шунингдек, мафкуравий жараёнлар таҳлили, соҳага оид янгиликларни тўплаш, тайёрлаш ва тарқатиш мақсадида “oyuna.uz” электрон портали яратилди. Бугун ушбу портал маънавиятга қизиқувчи, ўзининг маънавий онги ва тарбиясини юксалтириш истасида бўлганларнинг сеvimли “маскан”ларидан бирига айланди, десак сираям хато қилмаган бўламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон Стратегияси” китобининг “Маънавий тараққиёт” бўлимидан ўрин олган мавзуларда ҳар ой бир марта ўқув соатининг ўтказилиши асосан ахборот-коммуникация технологиялари, турли ахборот тизимлари ва уларнинг интеграцияси, янги портал ва сайтларни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи вазирлигимиз ходимлари учун аини муддао бўлмоқда.

Вазирлик ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар ходимларида китобхонлик маданиятини янада юксалтириш мақсадида деярли ҳар ойда “Китоб ярмаркаси”нинг ташкил қилиниши эса нафат ҳодимларнинг китобга бўлган меҳрини оширмоқда, балки бу уларнинг оила-аъзолари ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказмай қолмапти.

Жорий йилдан Касаба уюшмаси қўмитаси билан ҳамкорликда спектакл,

концерт ва кинофилмлар томошаси учун чипталар харид қилиш ва ходимларга бепул тарқатиш тизими йўлга қўйилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият юритувчи раҳбар ва ходимлар учун бутун республикамизнинг диққатга сазовор жойлари, қадамжолари, тарихий обидалари билан таништириш мақсадида “Мен юртимни севаман” шиори остида ташкил қилинаётган саёҳатлар ички туризмни ривожлантиришга ҳисса қўшиш билан бирга, ўзбек халқининг тарихи, меҳмондўстлиги, урф-одат ва анъаналари билан яқиндан танишиш, ҳар бир ҳудуднинг фақатгина ўзига хос бўлган шириндан-ширин таомларини татиб кўриш имкониятини ҳам тақдим қилмоқда.

АКТ вазирлиги ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг шу соҳада фаолият юритувчи ёшлар билан учрашувлари, дилдан суҳбатлари шунчаки учрашув ёки суҳбат бўлиб қолмапти. Бундай тадбирларда ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб берилиб, уларни қийнаётган муаммолар имконият даражасида жойида ҳал қилиняпти, бундан ташқари, ёшларнинг ташаббуслари, гоё ва фикрлари тингланиб, уларни амалга татбиқ қилиш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда.

Яна бир ҳолат борки, буни фахр билан таъкидлаб ўтиш мумкин. АКТ йўналишида фаолият юритувчи барча корхона ва ташкилотларда устоз-шогирд анъаналари жорий этилган бўлиб, ҳозирда таҳсил олаётган талабаларга назарий билимларини амалиётда сынаб кўриш ва мустаҳкамлаш имко-



Фотофакт

ПОЧТАЧИЛАР МАЛАКАСИ ОШИРИЛДИ

IT-Парк Тошкент вилояти филиалининг шаҳар ва туманларда ташкил этилган Рақамли технологиялар ўқув марказларида почта ходимларининг замонавий ахборот технологиялари бўйича малакалари оширилди.

Малака ошириш курслари 5 майдан 2 июнгача давом этиб, 36 соатлик ўқув дастурлари давомида почтачилар компьютер саводхонлиги, булутли технологиялар ва электрон базаларда ишлаш кўникмаларига эга бўлишди. Курслар якунида тингловчиларга сертификатлар берилди.

Ўқув машғулоти

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРГА ШАЙМИЗ

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги “Бунёдкор” стадиони атрофида ҳамда Юнусобод туманининг “MEGAPLANET” савдо мажмуаси олдидан кўмондонлик-штаб ўқув машғулотлари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги қарори ижроси доирасидаги ўқув машғулотларида АКТ вазирлигининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, “Ўзбектелеком” АК “ТШТТ” филиали, Махсус авария-тиклаш бошқармаси ва “Ўзбекистон почтаси” АЖ Тошкент филиали раҳбар ва ходимлари иштирок этишди. Машғулотлар аҳолининг фавқулодда вазиятларда ўзларига ва бошқаларга биринчи ёрдам кўрсатиш кўникмаларига эга бўлиши, тиббиёт ходимлари, корхона ва ташкилотларнинг санитария гуруҳлари волонтерларини зилзила ва сув тошқинлари каби табиий офат оқибатларини бартараф этишга тайёрлашга қаратилди.



Avariya xizmati

нияти яратиб бериляпти. Шунингдек, узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган тажрибали ходимларга ёш мутахассисларни бириктириш кўп ўтмасдан айнан мана шу йўналишда яна бир малакали мутахассис этилиш чикишига хизмат қилмоқда.

Спорт билан шуғулланиш соғлиқни сақлаш, умрнинг узоқ бўлишига хизмат қилишини ҳаммамиз яхши биламиз. Демак, ходимларнинг спорт билан доимий равишда шуғулланишлари учун имконият яратиб бериш ҳам мақсадга мувофиқ. Вазирлик қасба уюшмаси қўмитаси томонидан барча ходимларга спорт мажмуасига бориш учун имконият яратиб берилган бўлса, ташкилотдаги спорт тарғиботчиси томонидан ҳафтанинг ҳар чоршанба ва жума кунлари футбол ўйинлари ташкил қилинган.

Шу йилнинг ўтган даврида вазирлик 31 март кuni ўтказилган “Ассалом, Наврўз – янгиликлар, меҳр-оқибат ва қадр-қиммат айёми!” байрамини ҳақиқий дийдор тадбири деб айта олам. Чунки шу кuni юздан ортиқ ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг фахрийлари бир-бирларини кўришиб, уларнинг самимий суҳбатлашишлари, дарсларда ёки ёши катталардан улар ҳақида эшитган ёшларнинг уларни қўршаб олганлиги кўпчиликини тўлқинлантирди. Шунингдек, тадбир доирасида ташкил қилинган вазирлик тизимидаги 20дан ортиқ корхона ва ташкилотлар ҳамда ўндан ортиқ IT-Парк резидентларининг “Бўш иш ўринлари ярмаркаси” ТАТУ талабалари учун қони фойда бўлди. Дорбозларнинг чиқишлари ва спорт ўйинлари ўтказилган ҳудудлардан келаётган

ҳайкириқлар эса меҳмонларни ҳам хаяжонга солгани аниқ.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматовнинг “Инсон қадри” шиори остида ТАТУ имконияти чекланган ва эҳтиёжманд талабалари билан учрашуви, улар билан дилдан суҳбати ҳамда эсдалик совгалари бу ёшларнинг келгуси ҳаётида муҳим ўрин тутса, ажаб эмас.

Тадбирнинг энг мағзи вазирлик тизимидаги корхона ва ташкилотлар томонидан тайёрланган республикамиз ҳудудларига хос урф-одатлар асосидаги миллий либослар ва таомлар кўргазмаси бўлди, деб ҳеч иккиланмасдан айтишимиз мумкин. Зеро, жонажон Ватанимизнинг ҳар бир ҳудудига хос урф-одат ва анъаналар намоиши нафакат тадбир иштирокчилари учун қизиқарли бўлди, балки корхона ва ташкилот ходимларининг ўзаро бирдамчилигини, жипслигини ҳам намоён қилди.

Хуллас, маънавиятни ҳамма ўзича тушунади. Кимдир буни ташки кўриниш, юриш-туриш, кийиниш деса, яна кимдир китоб ўқуш, таълим олиш дейди. Ҳар нима бўлганда ҳам инсоннинг маънавий онги юқори бўлиши унга ҳар қадамда кўмакчи бўлиши турган гап.

Нурилла АБДУЛЛАЕВ,

АКТ вазирининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси



Германияда ўқиётган ўзбек қизи: Кўп тил билган дунёни забт этади

ҳалигача сақлаб қолган давлатлардан бири. Бундан ташқари, талабаларга кўпгина имкониятлар бор. Немисларнинг пунктуаллиги менга доимо ёқарди – барча ишлар вақтида бажарилади ва катта жавобгарлик ҳисси билан.

Бакалавр босқичини тамомлаганимдан сўнг, бир йилдан ортиқ вақт мобайнида Германия элчихонаси хузуридаги VISAMETRIC – Шенген виза расмийлаштириш бўлимида ишлаганман. Шунда Германияда магистратура учун қандай имтиёзлар борлигини ўрганганман ва ўқишга кириш учун барча ҳужжатларни тайёрлаганман.

Кўп тил билган – дунёни англайди, уни забт этади

Германияда таҳсил олиб, мен мустақил ва ҳаётда ўзига ишонган шахс бўлишни ўргандим. Болалигимда отам бизга, кўп тил билган – дунёни англайди, уни забт этади, деб айтарди. Шу сабабли мактаб чоғидаёқ мен тўртта тилда мукаммал сўзлаша олардим – булар ўзбек, рус, тожик ва инглиз тиллари. Барчасини мустақил ўрганганман, яъни уйда биз учта тилда – ўзбек, рус ва тожикчада суҳбатлашардик. Инглиз тилини мактабда қизиқиб ўрганганман.

Германияга келганимдан кейин турк ва дари (форс тилининг афғонча шева-си) тилларини ўргандим. Ҳозирги кунда жами етти тилда эркин суҳбатлаша оламан ва испан тилини ҳам ўрганганман. Бу қобилиятим немислар учун жуда ноодатий, чунки улар асосан фақат ўз она тилларини биллашади.

Бременда яшаш – менга осудаликни ҳаёда этди

Ҳозирда Бремен университетининг инглиз тилида сўзлашувчи давлатларнинг маданий алоқалари йўналишида магистратурада таълим оляпман, бу менинг иккинчи магистратурам. 2020 йили Гамбург университетининг инглиз тили – халқаро тил факултетига ўқишга кирганман. Гамбург – бу катта шаҳар, мегаполис. Унда ҳаёт тўхтамайди, куну тун ҳаракатда. У ерда катта рақобат ва шунга жавобан катта талаб бор. Гамбургдан кейин Бременда яшаш – менга осудаликни ҳаёда этди. Бу ерда ҳақиқий немис маданияти ва ҳаётини кўрдим – инсонлари меҳрибон, эътиборли.

Болалигимда “Бременлик мусиқчилар” мультфильмининг кўп кўрганман, лекин бир кун келиб шу шаҳарда яшашимни тасаввур ҳам қилмаганман.

Талаба бўлиб дунё бўйлаб кўп саёхат қилдим. Европанинг таниқли шаҳарларини томоша қилдим, миллий таомларини тановул қилдим, тарихий обидалари атрофида сайр қилдим. Бу орзуим эди ва Германиядаги таҳсилим бу орзуимни рўёбга чиқарди. Лекин қаерда бўлсам ҳам, ўзбек оиласининг фарзанди эканлигимни унутмадим, маданиятимизга ҳурмат кўприги эканлигим сабаб, европаликларга гўзал маданиятимиздан келиб чиқиб мулоқот қиламан. Катталарга ҳурмат, ота-онани эъзозлаш, гапларига қулоқ солиш, маслаҳатларини олиш ва унга риоя қилиш. Уйни озода тутиш, меҳмондўстлик, сахийлик, меҳр-оқибат, дўстликка ҳурмат – бу тарбиямнинг ажралмас қисми.

Ўқишга кириш осон, жараёни жуда мураккаб

Германиянинг қайси тажрибасини Ўзбекистонга қўлласа бўлади? Менимча, ҳаммасини! Бу ерда ўқишга кириш осон, ўқиш жараёни жуда мураккаб ва натижада сиз ҳақиқий мутахассис бўлиб чиқасиз. Бу ерда талабаларга ишонади-лар, талаба бу ишончни йўқотмасликка ҳаракат қилади. Бу ерда коррупция, таниш-билишчилик ёки кимнингдир қизи, жияни деган тушунчанинг ўзи йўқ, тасаввурга сиғмайди! Талаба ўқиш жараёнида қайси фанлар унга кераклигини ўзи мустақил танлайди, тайёр дарс жадвали йўқ.

Германия университетларида ўқиш ҳафтасига 2–3 кун, бу танлаган модулнингизга қараб, кунига 2–3 соат дарс. Жуда кўп мустақил вазифалар берилади, ўқитувчи фақат йўналишни кўрсатади, асосий жиҳатлари ва мустақил ўқиш учун адабиёт ва манбаларни беради. Қолгани – талабанинг вазифаси.

Университетда ўқиш жараёнида жуда кўп конференция ва бошқа мамлакатларда таҳсил олиш учун грантлар мавжуд. Ишга жойлашгандан сўнг ҳам университет сиз билан алоқасини ўз-майди, битирувчилар билан ўрашувлар ташкил қилади. Бу талабалар учун жуда катта руҳлантириш.

Талабада билим олишга иштиёқи сўнмаслиги учун ҳам танлов ихтиёрий. Талабалар учун кенг ва ёруғ кутубхоналар, бепул интернет, саёхат қилиш учун чегирмалар, доимо рағбатлантириш тизими – буларнинг барчасини Ўзбекистонда қўлласа бўлади!

Мени синовсиз ишга таклиф қилишди

Магистратурада жиноий (криминал) лингвистикага (инглизча “Forensic Linguistics”, рус тилида “Лингвокриминалистика”) оид бўлган жуда мураккаб мавзуда диссертация ёзишни бошлаганман.

Forensic Linguistics – амалий тилшунослиқнинг оғзаки ва ёзма нутқни суд жараёни ва криминалистика контекстида таҳлил қилиш билан шуғулланувчи соҳа. Бу сиёсат ва инсон ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқ ва янги соҳа ҳисобланади. Жиноятчилар ҳозир кўпгина шифрли тиллардан фойдаланиб, ижтимоий тармоқларда ўз “фаолиятини” олиб боради. Лингвокриминалистар бу хусусиятларни ўрганиб, жиноятчиларнинг топишга, улар фойдаланган сўзлар келиб чиқиши, маъносини билишга ва режалаштирилган жиноятларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Билишимча, бу йўналиш Ўзбекистонда ҳали йўқ. Дунёда саноқли олийгоҳларда бу йўналиш бўйича ўқитилади. Талаба эса катта. Шу сабабли, бир йил олдин Германиядаги катта компаниялардан бири ҳисобланган Concentrix ва Италиянинг Германияда жойлашган VisaRight компанияларига ишга таклиф қилишди. Бу ерда талабалар синов муддати ва ўқишни тугатганларидан кейингина ишга олинади, мени эса синовсиз ишга таклиф қилишди. Сабаблардан бири – кўп тилларни яхши билишим, маданиятлари ва сўзлашув хусусиятларини тушунишим ҳамда форензик лингвистика соҳасида билимга эга эканлигим.

Бундай катта ташкилотларда ишлашга ҳали тайёр эмаслигим сабаб рад этдим, лекин магистратурани тугатишим билан мени ишга олишларини таъкидлашган.

Болалиқдан бошлаш керак

Тил ўрганишни болалиқдан бошлаш керак. Кичкиналимдан бир вақтнинг ўзига учта тилда мулоқот қилишимиз менга тилларга мослашишга ёрдам берди. Мен доимо бир ҳақиқатни тан олганман – барча нарсга оиладан. Ота-она, оиладаги муҳит боланинг ким ва қандай инсон бўлишини белгилайди. Агар ота-она фарзандига ишонса ва бу ишончни кўрсата олса (ўғил ёки қиз фарзанд – бунинг аҳамияти йўқ) фарзанд албатта ўзига мақсад қилган чўққига эришади ва доимо олдинга интилади. Лекин ота-она фарзандига ишончсизлик кўрсатса, сен уни қила олмайсан, бу қийин, мушкул, қўлингдан келмайди, деса, ҳатто энг иқтидорли фарзанд ҳам омадсизликка учрайди.

Мен доимо ота-онамдан миннатдорман, сабаби улар мени доимо кўлаб-қувватлаган, тўғри йўлни кўрсатган ва ҳаётда омадли инсон бўлишим учун қўлларидан келган барча ишни қилишган. Ҳозир ҳам бир катта лойиҳа устида иш бошлаганман, отам бунини эшитиб шундай деди: “Бунини уйдalayсан, қўлингдан келади, ишонаман! Бу лойиҳанг ҳақида интернетдан ўқисам, жуда қувонардим!” Мана шу менга керакли драйвер, куч! Бу лойиҳа қай даражада йирик бўлмасин – уни албатта охиригача етказаман.

Бременда ўзбек тили кафедрасини очмоқчиман

Бўш вақтимда миллий таомларимизни тайёрлаб, дўстларимни меҳмон қилишни ёқтираман. Ҳозир катта бир лойиҳа – Бремен университетига “Ўзбек тили” кафедрасини очиб устида ишлайман. Бизнинг бой ва жуда гўзал маданиятимиз ва адабиётимизга қизиқувчилар кўп. Бу таклиф билан университет ректори ва профессорлари билан маслаҳатлашдим, уларга гоям маъқул келди. Асосан бўш вақтимни шунга сарфляпман. Орзуим – немис ёшлари Навоий ва Қодирини она тилимизда ўқитиш.

Ҳозир Халид Хоссейнининг асарини тугатайман. Бу китоб Афғонистондаги воқеалар, ёшларнинг ҳаёти ва умидлари тўғрисида. Қизлар ҳуқуқига алоҳида эътибор қаратилган. Бу китобни ўқиганимдан хурсандман. Ростини айтсам, китобдаги воқеаларни ўқиб, мамлакатимизда қизларга ва аёлларга берилаётган имкониятлар қадрини сезасан киши.

Яқин келажақда магистратура босқичини муваффақиятли якунлаб, ота-онамни хурсанд қилмоқчиман. Албатта, ўз соҳамда ишлашни орзу қиламан. Ундан кейин жуда бир қизиқарли соҳада яна бакалавр босқичида ўқимоқчиман. Энг катта орзуим – бу Бремен университетига ўзбек тили факултетининг очилиши. Она Ватаним байроғи университет ҳудудида ҳилпираб туришини жуда истайман.

Нурилло ТЎХТАСИНОВ
суҳбатлашди

Менинг икки опам ва акам бор. Оилада кенжа бўлсам ҳам, бизга бирдек муносабатда бўлишган. Қизлар албатта билимли бўлиши керак – бу отамнинг фикри. Болалигимизда ота-онамиз байрамларда ва туғилган кунларда бизга китоб совға қилишарди. Шу сабабли уйимизда ўзимизнинг кутубхонамиз бор. Ҳозир ҳам невараларига китоб совға қиладилар, опаларим ҳам бу анъанани ўз фарзандларида давом эттирмоқда. Айнан инглиз тилига қизиқишимга сабаб – бу ўша кутубхонадаги инглиз тилидаги рангли китоблар бўлган.

Менинг иккинчи опам республика олимпиадасида 1-ўринни эгаллаганди. Бу менга жуда катта мотивация берган, ота-онам қувониб, faxрланганларини кўриб, мен ҳам бир кун уларни шундай қувонтиришни ўзимга мақсад қилган эдим. Инглиз тилида китоблар ўқиганман, интернет орқали дўстлар орттирганман. Шу аснода Бухоро давлат университетининг инглиз тили филологияси факултетига ўқишга кирганман.

Немис тили мен учун чиройли тил ҳисобланган

Университетда таҳсил олган кезларим, инглиз тилидан ташқари иккинчи тилини ўрганиш учун имконият бўлган. Шунда мен немис тилини танлаганман. Сабаблари кўп: биринчидан, бу мен учун чиройли тил, иккинчидан, Германия тараққий этган давлат ва у кўпгина грантларни тақдим этади, учинчидан, асл Европа маданиятини

КОМПАНИЯ OneWeb ПЛАНИРУЕТ ВЫЙТИ НА РЫНОК УЗБЕКИСТАНА



7 июня министр по развитию информационных технологий и коммуникаций Шерзод Шерматов провел встречу с директором по маркетингу компании OneWeb Иваном Зайцевым. На встрече также приняли участие представители министерства ИКТ и руководители агентства «Узбеккосмос».

На сегодняшний день компания OneWeb реализует крупные проекты во многих странах мира. Представитель компании выразил намерение реализовать подобные проекты и в Узбекистане. 16 мая между «Узбеккосмосом» и компанией был подписан меморандум о взаимопонимании и сотрудничестве. Основной целью меморандума является привлечение спутниковой компании OneWeb на рынок Узбекистана, а также ряд мер, связанных с услугами компании негеостационарных систем спутниковой связи, включая вопросы регулирования, обсуждение и определение основных потребностей государства в использовании спутников OneWeb.

На состоявшейся встрече, компания также выступила с предложениями по предоставлению высокоскоростного широкополосного интернета регионам и отдаленным сельским населенным пунктам, предприятиям различных отраслей экономики через спутники OneWeb.

ЧИСЛО АБОНЕНТОВ МОБИЛЬНОЙ СВЯЗИ ПРИБЛИЗИЛОСЬ К 30 МЛН.



За 9 месяцев в Узбекистане прибавилось 2,4 млн. абонентов сотовой связи, сообщили в Госкомстате.

На 1 апреля к услугам мобильных операторов было подключено 29,91 млн. абонентов. Это на 11% больше, чем год назад — тогда их количество составляло почти 27 млн.

Последний раз статистическое ведомство публиковало данные о численности пользователей на июль 2021 года, оценив её в 27,5 млн. С тех пор показатель вырос на 8,7%.

На 1 апреля численность населения Узбекистана по официальным данным составила 35,43 млн. человек. Таким образом, на каждые 100 человек приходится 84,4 абонента (включая корпоративных, по которым подробностей не привели).

По данным ведомства, больше всего пользователей сотовой связи зарегистрировано в — 6,67 млн. или 22,3% от общей численности (хотя официальное население столицы не достигло и 3 млн). Далее идут Фергана с 3,09 млн. абонентов (10%) и Самарканд с 2,84 млн. (9,5%).

УЗНАТЬ О ПОПАДАНИИ ЖИЛЬЯ ПОД ПЛАНЫ СНОСА МОЖНО БУДЕТ ЧЕРЕЗ ЕПИГУ

ЕПИГУ запустил выдачу сведений о попадании или непопадании объектов недвижимости под снос. Об этом сообщила пресс-служба портала.

Услугу предоставляет Минстрой. Она будет полезна для желающих купить дом (особенно частный) либо провести в нём капитальный ремонт, отмечается в сообщении.

Найти услугу можно в разделе «Недвижимость» портала. Заявитель должен указать кадастровый номер объекта недвижимости и название здания, после чего отправить запрос. Дополнительных документов не требуется.

В течение 3 рабочих дней Минстрой обработает обращение и выдаст справку о наличии планов сноса или их отсутствии. Воспользоваться услугой могут как физические, так и юридические лица.

Стоимость услуги при подаче заявки через Центр госуслуг составляет 5% БРВ (15 000 сумов). Для обращающихся через ЕПИГУ справка обойдется в 4,5% БРВ (13 500 сумов).

Порядок выдачи справки предусматривался регламентами об оказании госуслуг в сфере строительства, утверждёнными в апреле. Эти и некоторые другие госуслуги больше не требуют подтверждения заявки при помощи ЭЦП.

В IT-АКАДЕМИИ ASTRUM СОСТОЯЛСЯ ФИНАЛ КОНКУРСА mGovAward



4 июня в Ташкенте в IT-Академии Astrum в рамках сотрудничества с ОАЭ по направлению «Разработка государственных мобильных приложений» состоялся финал конкурса mGovAward (Demo Day), где команды боролись за главный приз в размере \$100 000.

В финале конкурса приняли участие 20 финалистов. Они разработали лучшие государственные мобильные приложения и представили их перед членами жюри и широкой аудиторией.

Общий призовой фонд турнира составил \$100 000. Из них \$50 000 получит победитель, \$30 000 достанется обладателям 2 места и \$20 000 — команде, закрепившейся на 3 месте. Имена победителей конкурса будут объявлены на церемонии награждения, которая пройдет в начале июля.

КОРОТКО...

Samsung планирует выпустить бюджетный складной телефон, сообщает издание PhoneArena. Девайс пополнит серию Samsung Galaxy A, под которой выпускаются доступные телефоны бренда. Как полагает инсайдер, аппарат появится на рынке не раньше 2024 или 2025 года.

Компания Orange Pi представила компьютер-моноблок Orange Pi 800, выполненный в форм-факторе клавиатуры. Проводная клавиатура получила шестиядерный чип Rockchip RK3399, встроенную графику Mali-T860 MP4 и 4 Гб оперативной памяти. Для хранения данных предусмотрены 64 Гб флеш-памяти eMMC. На рынок новое устройство выйдет в 2022 году.

В США начали использовать дроны для развертывания сотовых сетей пятого поколения 5G. Оператор AT&T разработал беспилотные устройства, которые можно использовать для улучшения покрытия сотового сигнала. Инженеры создали дроны, чтобы развертывать их в местах бедствий и с помощью них раздавать сотовую связь и мобильный интернет. По словам специалистов, это поможет поддерживать связь до того, как сетевая инфраструктура будет снова налажена.

Американский инсайдер Робертс Скобл в своём Twitter сообщил, что Apple готовится к запуску собственной поисковой системы, которую представит в январе 2023 года.

По мнению инсайдера, Apple может анонсировать собственную поисковую систему по двум причинам: первая — создание полноценной конкуренции Google, чей поисковик является монополистом на рынке; вторая — для того, чтобы расширить возможности голосового ассистента Siri.

Также Скобл рассказал о росте активности поискового робота Applebot, используемого для создания как можно более обширной базы данных онлайн-материалов, составляющих основу любой поисковой системы.

Microsoft запретит устанавливать Windows 11 на HDD в готовых ПК в следующем году.

Компания Microsoft призвала OEM-производителей ПК и ноутбуков в 2023 году отказаться от использования обычных жёстких дисков в качестве основных носителей, с которых производится загрузка операционной системы Windows 11 и вместо них оснащать свои системы твердотельными накопителями. Об этом рассказали аналитики из Trendfocus, ссылающиеся на производителей ПК.



ТЕЛЕГРАМ ПРЕМИУМ ОБУНАСИ ҚАНЧА?



Telegram премиум обунаси ҳали расман жорий этилмаган, бироқ яқин орада ишга тушиши кутилмоқда. Тасдиқланмаган маълумотларга кўра, ойлик обуна нархи 5 доллар бўлади. Тўловдан сўнг фойдаланувчилар қатор янги функциялардан фойдаланишлари мумкин бўлади.

Хусусан, жилддаги чатлар, сеvimли стикерлар сонининг икки баравар оширилган лимити; ноёб рақамлар билан иловага уланган аккаунтлар; 4 ГБ гача файлларни юклаб олиш; юқори даражадаги юклаб олиш тезлиги; овозли хабарларни матнга айлантириш; рекламанинг йўқлиги; премиум стикерлар ва анимацион аватарлар; кенгайтирилган диалог бошқаруви ва бошқалар.

ЭЛЕКТР САМОЛЁТ БИРИНЧИ УРИНИШДАЁҚ ЯХШИ УЧДИ

VoloConnect электр самолётининг биринчи учурилиши муваффақиятли кечди: ҳавода 2 дақиқаю 14 сония парвоз қилди. Самолёт немис стартапи Volocopter



томонидан яратилган. Компания самолётни аэротакси сифатида тақдим этяпти. Яна бир самолёт – VoloCity эса кичикроқ бўлиб, шаҳар ичида ҳаракатланишга мўлжалланяпти.

Компания, шунингдек, 200 килограммгача юкларни 40 километр масофага ташишга мўлжалланган VoloDrone дронини ҳам чиқармоқда. Бу учоқ қўтқарув, қурилиш ва ўрмон хўжалигида меҳнат қилади.

VoloCity 2024 йилда, VoloConnect 2026 йилда тўлиқ фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

HUAWEI VA CHINA MOBILE 5.5G ТАРМОҒИНИ ИШГА ТУШИРДИ



Huawei China Mobile билан биргаликда 5G тармоғининг такомиллаштирилган талқини – 10 Гбит/с. гача юклаш тезлиги ва

1 Гбит/с. гача энг юқори узатиш тезлигига эга 5.5G тармоғини ишга туширди.

Тармоқлар янги Super Time-Frequency Folding технологиясига асосланади. Юқори маълумот узатиш тезлигига қўшимча равишда, технология юқорига улаишнинг 4 мс кечикишини ҳам қўллаб-қувватлайди. Янги тармоқлар мавжуд бешинчи авлод тармоқлари асосида ишлаб чиқилади.

Лойиҳанинг тўлиқ ишга туширилиши вақти ҳозирча номаълум.

NASA ОЙГА ҚАЙТМОҚДА



NASA вакиллари Ойни тадқиқ қилиш дастури – Artemis учун скафандрлар ишлаб чиқирилиши эълон қилишди. Бу вазифа Axiom Space ва Collins Aerospace хусусий компанияларига топширилган.

Космик кеманинг табиий йўлдош юзасига дебют қўниши 2025-2026 йилларга режалаштирилган. Скафандрлар энгил ва эгилувчан бўлади, уларни ишлаб чиқишда Ойга жўнатишга тайёрланаётган экипаж иштирақ этади. Уларнинг янги авлодлари ҳам микрогравитацияда, ҳам Ой юзасида қўлланилади.

Одамларни Ойга қўндириш бўйича тарихдаги ягона космик дастур – "Аполлон"

1969 йилдан 1972 йилгача ишлаган. Бу вақт ичида NASAning 12 нафар астронавти Ойга парвоз қилди ва шундан бери одамлар Ер йўлдоши юзасига қўнмади.

APPLE ЯНГИ АМАЛИЙ ТИЗИМИНИ ТАҚДИМ ЭТДИ



Американинг Apple компанияси ишлаб чиқарувчилар учун WWDC 2022 конференцияси доирасида ўзининг iOS 16 смартфонлари учун операцион тизимининг янги талқинини тақдим этди.

Компания тизим дизайнини қайта ишлаб чиқди. Энди ОТ янгилаганидан сўнг фойдаланувчи экраннинг шрифт ва ранг схемасини ўзгартириши, шунингдек, унга янги виджетлар қўйиши мумкин бўлади. Бундан ташқари, iPhone эгалари вақт ўтиши билан автоматик равишда ўзгарадиган блокировка экрани учун бир неча вариантни қўйиш имкониятига эга бўлишади. Блокланган экран билдиришномалари эса экраннинг пастки қисмига туширилган.

Амалий тизимнинг янги талқини жорий йилнинг кузида барча фойдаланувчилар учун тақдим этилади.



Халқаро ҳаёт

НАТО ЙИРИК ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ МАШҚЛАРИНИ ЎТКАЗЯПТИ



5 июн куни Болтиқ денгизиде НАТО мамлакатларининг йирик ҳарбий-денгиз машқлари (BALTOPS 2022) бошланди. 16 июнгача давом этувчи ҳарбий-денгиз машқлари турли босқичларда Болтиқ денгизининг марказий ва жанубий қисмларида бўлиб ўтади.

Ҳарбий ўқувларда НАТОга аъзо 14 мамлакатдан ташқари, Шимолий альянсга кириш ҳаракатидаги Швеция ва Финляндия ҳам қатнашмоқда. Жанговар машқларга 45та ҳарбий кема, 75та самолёт ва вертолёт, 7 мингта ҳарбий жалб этилган.

СУД КОЛУМБИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИ УЙ ҚАМОҒИ БИЛАН ЖАЗОЛАДИ



Колумбия суди мамлакат президенти Иван Дукени 3900 доллар жаримага тортиб, беш кунлик уй қамоғи билан жазолади, деб хабар берди teleSUR нашри.

Президент Дуке судга ҳурматсизлик қилган деб топилди, яъни Колумбия олий судининг 2020 йилдаги

қароридан келиб чиқиб, Лос-Невадос миллий боғини муҳофазалаш бўйича тегишли чоралар кўрмаган. Экологларнинг ўқтиришларича, миллий боғ дарактлари кесилишини ва фойдали қазилмаларни ноқонуний қазилиш тўхтатиш учун ҳукумат деярли ҳеч нарс қилмаган.

Экспертларнинг фикрича, суд қарори бажарилиши даргумон. Айтилишича, Колумбия президенти фақатгина қонунчилик махсус комиссияси томонидан айбланиши ҳамда мамлакат конгресси томонидан суд қилиниши мумкин.

ТУРКИЯГА БОРИШГА ҚЎЙИЛГАН МАЖБУРИЯТ БЕКОР ҚИЛИНДИ



Пандемия туфайли Туркияга боришга қўйилган мажбурият бекор қилинди. Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси берган маълумотга кўра, Туркия жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб барча чегара назорат нўқталаридан Туркияга кириб келишда кўпи билан 72 соат аввал ўтказилган салбий натижалли ПЗР-тест таҳлили ёки кечи билан 48 соат мобайнида ўтказилган салбий антиген тест таҳлилининг ўтказиш мажбуриятини бекор қилган.

Туркия соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқа шартлар (эмланганлик ёки тузалганлик маълумотномасини тақдим этиш) ҳам бекор бўлганини маълум қилган.

ДУНЁ МУСУЛМОНЛАРИ ҚАЙСИ МАМЛАКАТЛАРГА КўПРОҚ САЁҲАТ ҚИЛИШАПТИ?

2022 йилда жаҳон миқёсида муслмонларнинг саёҳат рейтингига (GMTI) биринчи ўринни Малайзия

эгаллади.

MasterCard ва Crescent Rating олиб бораётган тадқиқотда ҳалол саёҳат йўналишлари турли мезон ва кўрсаткичларга кўра баҳоланади. Малайзия туризм, санъат ва маданият вазирлиги Ненси Шукри мамлакат яна муслмонлар учун энг дўстона йўналиш деб тан олингани улкан шараф эканини қайд этган.

Глобал рейтингда Туркия, Саудия Арабистони ва Индонезия иккинчи ўринни банд этди. Сўнгги вақтларда соҳада сезиларли ютуқларга эришаётган Ўзбекистон рейтингдаги мавқеини яхшилаб, дунёда тўққизинчи, ИХТ мамлакатлари орасида Миср, Уммон, Кувейт, Марокаш, Ливан каби давлатларни ортда қолдириб, олтинчи ўринни эгаллади, МДҲ ва Марказий Осиёда эса биринчи бўлди.

МИТТИ ДАВЛАТ РОССИЯНИНГ €4,3 МИЛЛИАРДИНИ МУЗЛАТДИ



Санкциялар доирасида Люксембург банклари ва бошқа молиявий муассасалари Россиянинг 4,3 млрд. евро қийматидаги активларини музлатди. Бу ҳақда мамлакат молия вазирлиги баёнот берди.

Музлатилган активлар санкцияларга тушган 90 дан зиёд жисмоний шахслар ва 1100та компанияга қарашли қимматбаҳо қозғолар ва депозитларни ўз ичига олади.

Люксембург жаҳондаги митти мамлакатлар сирасига қиради: ҳудудининг катталиги бўйича 167-ўринда, аҳолиси сони бўйича 164-ўринда. Бироқ энг асосий кўрсаткич — аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда жаҳонда 1-ўринда — 115 839 АҚШ доллари. Шунчалик бой давлатки, жамоат транспорти бепул.

Беллашув



ВАЗИРЛИКДАГИ МУСОБАҚАГА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ КЕЛДИ

Спорт билан мунтазам шугулланиш, тўғри овқатланиш, зарарли одатлардан воз кечиш, ҳуллас, соғлом турмуш тарзини кундалик одатга айлантиришимиз зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ишчи-ходимларини соғломлаштиришни йўлга қўйган корхона ва ташкилотларни ҳар қанча мақтасак оз.

2022 йилда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилинган бўлиб, ходимларнинг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, яқинда шахмат ва шашка бўйича вазирлик марказий аппарати ходимлари ўртасида мусобақа ташкил этилди.



Қирққа яқин ходимлар иштирок этган мусобақалар мurosасиз ўтди.



Шашка бўйича 1-ўрин Шаҳзод Абдуназаров, 2-ўрин Аббор Ражабов, 3-ўрин Лазиз Раҳматовга насиб этди.

Шахматда эса Фазлиддин Анваровга тенг келадиганлар топилмади. 2-ўринни Иброҳим Душанов, 3-ўринни Шокир Қурбонов эгаллади.

Ҳолиб ва совриндорларига эсдалик совғаларини АКТ вазири Шерзод Шерматов топширди.

Мусобақаларга дунёнинг энг ёш гроссмейстерлари қаторидан муносиб ўрин олган, рапид йўналишида жаҳон чемпиони Нодирбек Абдусатторовнинг ташрифи эса қатнашчиларга янада кўтаринки кайфият бағишлади.

Солижон ЗОИРОВ,
“Xabar” мухбири



МАРОҚЛИ ТАЪТИЛ БОШЛАНДИ

Болаларнинг ёзги дам олиш мавсуми бошланиши биланоқ “Ўзбектелеком” АК Бухоро филиалига қарашли “Ёш алоқачи” оромгоҳининг хушманзара ва баҳаво ҳудуди ҳар галгидек қувноқ болакайларнинг қий-чуви ва кулгуларига тўлди. Бу ерда нафақат бухоролик, балки тошкентлик ва навоийлик алоқа соҳаси ходимларининг ўғил-қизлари ёзги таътилни мазмунли ўтказишга киришдилар.

Филиал маъмурияти ва касба уюшма қўмитаси томонидан оромгоҳни дам олиш мавсумига тайёрлаш ишларининг ўз вақтида амалга оширилганлиги шундоқки-на кўриниб турибди. Зилол сув тўлдирилган чўмилиш ҳавзаси, 140 ўринли кенг ва баҳаво ошхона, барча шароитларга эга шинам ётоқ жойлари, болаларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашга хизмат қилувчи маънавият ва маърифат хонаси, ушбу маскандаги минглаб турли адабиётлар, тиббиёт пункти, спортсевар ёшларни ҳар доим ўзига чорлаб турадиган футбол, волейбол, баскетбол майдончалари болалар ихтиёрида.

Оромгоҳнинг барча навбатлари давомида “Шахмат – ақл гимнастикаси”, “Моҳир қўллар”, “Ёш китобхон”, “Компютер саводхонлиги”, “Ёш рассом”, “Ёш алоқачи” сингари бир-биридан қизиқарли машғулотлари билан кичкин-тойларга маъқул келадиган тўғараклар фаолияти ҳам йўлга қўйилишида жуда катта маъно бор. Бинобарин, бундай тўғараклар болаларнинг келгусида тўғри касб танлашларида, эл-юрт ишига камарбаста

инсонлар бўлиб камол топишларида муҳим аҳамиятга эга.

– Белгиланган иш режасига мувофиқ ёз фасли давомида болалар иштирокида бир қатор тадбирларни ўтказиш кўзда тутилган, – дейди оромгоҳ бош етакчиси Гулҳаё Ҳайдарова. – Айтмоқчиманки, ушбу масканнинг 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган дам олувчилари “Кичкинтой”, “Орзу”, “Камалак” ва “Камолот” гуруҳлари таркибидеги ўғил-қизлар сифатида оромгоҳда ўтказиладиган тегишли тадбирларда ўзларига бириктирилган тарбиячи ва етакчилар қўмағида фаол иштирок этиш имконига эгадирлар. Бухоронинг тарихий ва маданий ёдгорликлари, диққатга сазовор жойлари билан танишиш мақсадида ташкил этиладиган саёҳатлар, вилоят қўғирчоқ театри томошалари, турли мавзулардаги кўрик-танловлар ва бошқа бир қатор тадбирлар шулар жумласидандир.

– Оромгоҳнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Фурқат Муродов,

оромгоҳ бошлиғи Нилуфар Бакаева ва бошқалар мамлакатимизда ёш авлодга ғамхўрлик ҳар томонлама кучайтирилган бугунги кунда алоқа соҳаси ходимлари болалари ҳам ушбу муҳим жараёндан четда эмасликларини таъкидлаб, ёш дам олувчилар ва уларнинг ота-оналарига энг яхши тилакларини билдирдилар.

Жаҳжи ижрочилар ва ўсмир ёшлар томонидан тайёрланган концерт дастури ва кўргазмали спорт чиқишлари барчага хушнудлик бахш этди.

Анъанавий оромгоҳ гулхани эса чор-атрофни ҳадсиз-ҳудудсиз ёдуга тўлдирди. Бу ҳаётбахш ёғдунинг болаларни соғломлаштириш мавсуми давомида барчанинг қалбини нурафшон этиши, оромгоҳдаги куй, қўшиқ ва рақслар эса турли ёшдаги кишиларни унутилмас болаликнинг ширин хотиралари сари мудом ундаб туриши бор гап.

Жорий йилги мавсумда “Ёш алоқачи” оромгоҳида жами 600 нафар бола дам олиши кўзда тутилган.

Асқар ИСТАМОВ,
“Xabar”нинг Бухоро
вилоятидаги мухбири

Эълонлар!

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 10 декабрдаги 188-ф-сонли фармойишига асосан “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳисоб рақамига 2022 йил 31 майда “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки” МЧЖ томонидан 50 000,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди. Мазкур маблағ “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2022 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

Ўтганларнинг охираати обод бўлсин


Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоаси Махсус авария-тиклаш бошқармаси бошлиғи

Бекзод АДЕНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

БАХТЛИ ЯШАШ САНЪАТИ

**ИНСОН ЭСИНИ
ТАНИГЕНИДАН
БОШЛАБ БАХТГА
ЭРИШИШ ОРЗУСИДА
ЯШАЙДИ. ЎҚИСАМ,
ХУНАР ЭГАЛЛИСАМ,
ЖАМИЯТГА НАФИМ
ТЕГСА, УЙЛАНСАМ,
ФАРЗАНДЛАР КЎРИБ,
УЛАРНИ СОЛИХ
ИНСОНЛАР ҚИЛИБ
ТАРБИЯЛАСАМ...**

Авазбек ҳам шундай эзгу орзулар билан ўсди. Газета-журналлар, китоблар мутолаасига берилганидан, улар қандай ишлаб чиқарилишига қизикди. Тошкент полиграфия билим юртида ўқиб келиб, Фаргона вилоят босмахонасига ишга кирди. Иши сменали бўлгани отага маъқул бўлмади. Кунлардан бир кун отаси беҳос суҳбатга тортиб қолди. “Болам, бу касбинг ҳам ёмон эмас. Бироқ сен, яхшиси, менинг касбимни ол. Отакасб қилиб кам бўлмади. Барака топдим, деб юрасан. Алоқачилик – улуг касб. Раҳматлари бисёр...” Шундай қилиб, у фаолиятини вилоят почтасида хат ташувчиликдан давом эттира бошлади. Ҳаётининг маликасини ҳам шу ерда топди. Тошкент алоқа политехникумини тугатлаб Фаргона почтамати 37-алоқа бўлимида операторликка ишга қабул қилинган, ҳамманинг кўнглидан жой олган ўғул ва оқила қиз Зиёдахон Авазбекнинг ҳам эътиборига тушди. Жамоадошлар иккиласининг ўхшаш сифатларини санашарди: сокин, камгап, камсуқум, меҳнатсевар... Ўхшатмасдан учратмас. Тақдирлари бир экан. Аввал алоқа бошқармасига қарашли уйда яшашди. Энг покиза туйгулар оламида яшаган бахтиёр жуфтлик ҳар қанча қийинчилик бўлсин, энгишдики, фаровон кунларга етказди. Кўплаб ёш оилалар қаторида уларга ҳам уй берилди. Икки ўғил кўришди. Улар бамисоли бахт кошонасида



яшашди. Касбда камолга эришиш йўлидаги заҳматлар қисқа фурсатларда ортда қолди.

Авазбек ва Зиёдахон муҳаббати, Раҳмоновлар ўзлари каби таърифни кўп марта эшитгандим. Раҳматли Душавой ота ўғлига чиройли ҳусни хулқ қолдирган экан. У поччаси вафотидан кейин тўрт гўдаги билан ота уйига қайтган опасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келган. Ҳатто ана шу тўрт ўғилни улғайтириб, уйлаб-жойлашгачина, ўз ўғлини ўттизга яқинлашганда уйлантиргани рост. Зиёдахоннинг нақадар олижаноб аёл, келин эканлиги тўғрисида ҳайрат ва ҳавас билан сўзлашари ана шундан. Бинобарин эрининг бундай мурувватларию кенглигига сабр қиладиган дарёдил аёллар камдан кам учрайди. “Ўзбектелеком” АК Фаргона филиали корпоратив мижозлар бўлими мутахассиси Сайёрахон Турсуналиеванинг айтишича, Авазбек 24-АТС бошлиғи бўлиб ишлаб юрган йилларда қўли юпқа йигитларнинг никоҳ тўйларини ташкиллашга ҳам бошқош бўлган, оталарча ғамхўрлик кўрсатган экан.

– Тўғри, мен ҳам Авазбекнинг қанчадан қанча хайрли ишларига гувоҳ бўлганман, – дейди “Ўзбекистон почтаси” АЖ Фаргона филиали кадрлар бўлими бошлиғи Турғуной Те-

шабоева. – Зиёдахонни ҳам жуда ҳурмат қиламан. У ҳам турмуш ўртоғидек ниҳоятда вазмин, одамлар билан тез тил топишади. Шогирдларига ҳам бе-ниҳоя меҳрибон, ғамхўр. Бирор кишига қаттиқ-қуруқ гапирганини, дилини оғритганини кўрмаганман. Аксинча, ўзи ноҳақ гап эшитиб қолган дамларда ҳам “чурқ” этмайди, сукут сақлайди. Одам ҳам шундай сокин, мўмин, ройиш бўладими, деб ич-ичимдан тасаннолар айтаман.

Алоқачилар Раҳмоновлар оиласини эътиром билан тилга олишларининг сабаблари уларнинг мўмин-у мўминаликлариди. Орзу қилганларидек, икки болани солих инсонлар қилиб ўстирдилар. Сардорбек Фаргона шаҳар ТБ техник бўлимида хизмат қилади ва ТАТУ Фаргона филиалида сиртдан таҳсил олмоқда. Санжарбек “Фаргона Инвест кредит” ходими. Авазбек 36 йиллик алоқачи. Икки йилча почтада ишлагач, телеком соҳасига ўтиб кетган. Электромонтёр, электромеханик, муҳандис, АТС бошлиғи, филиал капитал қурилиш ва таъмирлаш участкаси бригадири, электромонтёри... Хуллас, қаерга лозим кўришса, ўша жойда сидқидил ишлаб келмоқда. Зиёдахон ҳам почта хавфсизлик бўлими нозими, обуна бўлими мутахассиси, алоқа бўлими бошлиғи, фуқаролар

ариза ва шикоятларини ўрганиш муҳандиси каби вазифаларни масъулият билан уддалаётган малакали мутахассис, почтани ипидан игнасиғача биладиган 33 йиллик тажрибага эга улуг устозлардан бири.

Бугун Раҳмоновлар ҳақида бежиз сўз очмадик. Сўнгги ойларида Раҳмоновлар қутилмаган шодликлар билан сийландилар. Уларга бобожонлик ва буви-жонлик тухфаси насиб бўлган кунлардан кетидан яна қўшалоқ қувончлар келди. 7 май – Алоқачилар касб байрами куни муносабати билан Раҳмоновлар узок йиллик самарали ва фидокорона меҳнатлари учун тақдирланишди: Зиёдахон “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг, Авазбек эса “Ўзбектелеком” АК Фаргона филиалининг Фахрий ёрлиқларига сазовор бўлди. Байрам кунининг ўзида мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Ҳар икки тақдирлаш тадбирларида иштирок этар эканман, оталар дуолари вожиб эканлигига шохид бўлдим. Улар кам бўлмадилар, барака топдилар. Бахтли яшаш санъати, фалсафаси ана шундай оддий. Ҳаётни, одамларни, касбни сев, сендан корхонанг, элу юртинг рози бўлсин!

**Ҳафиза САЛЯХОВА,
“Xabar”нинг Фаргона
вилоятидаги муҳбири**

Xabar

МУАССИС:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
AXBOROT TEXNOLOGIYALARI
VA KOMMUNIKATSIYALARINI
RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI

Bosh muharrir:

Abdug'ani ABDURAHMONOV

Tahrir Hay'ati:

Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV,
Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV,
Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi.

Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda “Xabar”dan olinganligi ko'rsatilishi shart.

Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi.
Bahosi kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:

100000 Toshkent shahri,
Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy
(Mo'ljall Oloy bozori).

Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31.
Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Obuna indeksi — 228.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazarida terildi va sahifalandi.

Dizayner: Asliddin BO'RIYEV.
Navbatchi: Solijon ZOIROV.



Gazeta O'zbekiston matbuot va
axborot agentligi tomonidan
0016 raqami bilan 2013-yil
23-iyulda ro'yxatga olingan.

Gazeta
haftaning
juma kuni
chiqadi

Gazeta “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Manzil: Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.

Г-659 sonli buyurtma.
Ofset usulida bosildi.
Qog'oz bichimi A-3, hajmi
2 bosma taboq. Adadi: 3163

ISSN 2010-6424

Bosishga topshirildi — 17⁰⁰
Bosishga topshirish vaqti — 24⁰⁰

Viloyat
muhbirlari:

Andijonda
(74) 226-47-80

Buxoroda
(99)854-7305

Jizzaxda
(94) 199-95-64

Namanganda
(91) 353-71-25

Navoiyda
(79) 225-91-10

Nukusda
554-35-45

Samarqandda
(91)557-84-44

Termizda
(99)508-30-52

Toshkentda
234-18-59

Urganchda
(97) 211-65-05

Farg'onada
(73) 244-18-05

Qarshida
(93)931-08-99